

## Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

<b>“Филология ва ижтимоий фанлар” йўналиши бўйича</b>			
<b>№</b>	<b>Амалий лоиҳа мавзуси</b>	<b>Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа</b>	<b>Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми</b>
1	2	3	4
	<p>Замонавий медиа технологик механизм асосида “Маънавий мерос” тарғиботига қаратилган илмий-амалий мультимедиа маҳсулотларини яратиш</p> 	<p><b>Тадқиқот шакли:</b> Замонавий медиа технологик механизм асосида “Маънавий мерос” тарғиботига қаратилган илмий-амалий мультимедиа маҳсулотларини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p><b>Илмий-тадқиқот натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- дунёда юз берадётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ОАВ билан ҳамкорликда ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошка таҳдидларга қарши қаратилган туркум медиа маҳсулотлар яратилади;</li> <li>- халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг ахоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳроқибат мухитини мустаҳкамлаш бўйича медиа материаллар (кичик видео роликлар, банерлар, буклет, инфографика, слайдлар) ишлаб чиқилади;</li> <li>- бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни ахолига самарали етказиб беришда замонавий тарғибот воситалари орқали “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТдаги ташаббуслари”, “Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 30 йиллиги”, “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби”, “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси”, “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи”, “Ўзбекистон Республикаси Давлат тили”, “Адиблар хиёбони”, “Мақом”, “Мустақил Ўзбекистон қаҳрамонлари”, “Узлуксиз маънавий тарбия”. “Ўзбекистон - умумий уйимиз” мавзудаги мультимедиа маҳсулотлар тайёрланади.</li> <li>- алломаларимиз “Абу Али ибн Сино”, “Мусо ал-Хоразмий”, “Абу Райхон Беруний”, “Аҳмад ал-Фарғоний”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Амир Темур”, “Мирзо Улуғбек”, “Алишер Навоий”, “Захириддин Муҳаммад Бобур”, “Маъмун академияси” мавзудаги мультимедиа маҳсулотлар</li> </ul>	0,4 млрд сўм



тайёрланади.

- жадидчилик ҳаракати ҳамда XX аср адабиётининг кўзга кўринган вакиллари – Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Махмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон фаолиятига оид мультмедиа маҳсулотлари тайёрланади.

**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ҳамда Имом Бухорий номли Тошкент ислом институтида синовдан ўтказилади.

**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк обьектлари учун тегишли хужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.

**Жами ийллик:**

**0,4 млрд сўм**

\*Амалий лойиҳанинг умумий молиялашириши ҳажми 0,8 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.